

Жорий таъмирлашга оид
ШАРТНОМА № 14/10 лот №22110012155568

14«10»2022 yil.

152-7-100-SES/2022-sop

Пайариқ тумани

2022 йил

«18» ОКТОБР

“Shunqor Axmedov” хусусий корхонаси кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритилади. Ўзининг Низоми асосида иш юритувчи Б.Сулаймонов номидан, бир томондан ва Пайариқ туман санитария эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлими кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади, ўзининг Низоми асосида иш юритувчи ижрочи раҳбари М.Бурхонов номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича “Бажарувчи” “Буюртмачи”га Пайариқ туман санитария эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлими биносини жорий тамирлаш (кейинги ўринларда - “Ишлар” деб юритилади) ишларини бажариш, “Буюртмачи” ушбу “Ишлар”ни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. “Ишлар”нинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи, шунингдек уларни кўрсатиш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган сметада келтирилади.

№	Ишнинг номи	Бошланғич нархи	Шартноманинг умумий қиймати (битим суммаси)
1	Пайариқ туман санитария эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлими биносини жорий тамирлаш	56791419	54791419
	Шундан (ҚҚС)		7146707
	Жами (ҚҚС билан)		54791419

Шартноманинг умумий суммаси 54791419 (Эллик тўрт миллион етти юз тўқсон бир минг тўрт юз ўн тўққиз) сўми ташкил қилади (ҚҚС билан).

1.3. Ишни бошлаш ва топшириш муддати: Бошланиши: “18” октябр 2022 й. Тугаши: “31” декабр 2022й.

II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. “Буюртмачи”нинг ҳуқуқлари:

2.1.1. “Бажарувчи”дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

2.1.2. “Бажарувчи” дан “Ишлар” “Буюртмачи” нинг ҳисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;

2.1.3. “Бажарувчи”дан мазкур шартномага мувофиқ, бажариладиган «Ишлар» ни нуқсон лалолатиномасига мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган “Ишлар” кўрсатилишини талаб қилиш;

- зарур сифатга эга бўлмаган "Ишлар" шунга ўхшаш "Ишлар" билан алмаштирилишини;
 - "Ишлар"нинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар "Буюртмачи" ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;
 - баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;
- 2.1.5. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини "Бажарувчи"дан талаб қилиш.
- 2.2. "Буюртмачи"нинг мажбуриятлари:
- 2.2.1 Ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган "Ишлар"ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;
- 2.3. «Бажарувчи» қуйидаги ҳуқуқларга эга:
- 2.3.1. Кўрсатилган "Ишлар" учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш;
- 2.3.2. Берилган буюртманомага мувофиқ кўрсатилган "Ишлар"ни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш.
- 2.4. «Бажарувчи» қуйидагиларга мажбур:
- 2.4.1. "Буюртмачи"га "Ишлар"ни мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи" томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда кўрсатиш;
- 2.4.2. Агар "Ишлар"ни бажариш жараёнида "Бажарувчи" шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, "Буюртмачи"нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 5 кун муддатда текин таъмирлаб бериш.

III. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

- 3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси (ҚҚС билан) 54791419 (Эллик тўрт миллион етти юз тўқсон бир минг тўрт юз ўн тўққиз) , сўми ташкил қилади. Бажариладиган "Ишлар"нинг баҳоси мазкур шартномага иловада кўрсатилган.
- 3.2. Кўрсатилган "Ишлар" учун пул кўчириш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.
- 3.3. "Буюртмачи" мазкур шартномани Самарқанд вилояти бўйича Ғазначилик бошқармасида рўйхатга олинган кундан бошлаб __10__ банк иш куни ичида қонунчиликка мувофиқ контракт умумий суммасидан __30__% миқдорида (шартнома суммасининг 30% миқдорида) олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган __70__% ни бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома имзолангандан сўнг __10__ банк иш куни ичида қабул қилиш далолатномаси, ҲИСОБ-фактура в.б. асосида тўлайди.

IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

- 4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.
- 4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун

4.3. "Ишлар" қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

4.4. "Буюртмачи" муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган "Ишлар"ни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.5. Назарда тутилган ҳажмдан ортиқча бир номда "Ишлар" кўрсатилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги кўрсатилмаган "Ишлар" ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва кўрсатилмаган "Ишлар"нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай "Ишлар" "Буюртмачи"нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

4.6. Бажарилган "Ишлар" бевосита "Буюртмачи"нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада бажарилган "Ишлар" ҳажми, уларнинг сифати кўрсатилади.

4.7. Шартномада назарда тутилган "Ишлар" кўрсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи"нинг буюртманомасида кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда "Бажарувчи" Буюртмачиларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритади. Буюртманома "Ишлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш мўлжалланаётган санасигача камида 5 кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Буюртманомани чопар орқали қабул қилишда "Бажарувчи"нинг ходими "Буюртмачи"да қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

4.8. "Буюртмачи" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд "Ишлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Бажарувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қилади.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Бажарилаётган "Ишлар" сифати, ҳажми "Бажарувчи" томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда "Бажарувчи" бажарилаётган "Ишлар"нинг сифатини, шунингдек уларнинг ҳажмини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади, ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари буюртмачига нотўғри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.2. Агар бажарилган "Ишлар"нинг сифати, ассортименти, навлари стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон кўрсатилган, сифати зарур даражада бўлмаган "Ишлар" қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.3. "Ишлар" кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун "Бажарувчи"

бўлган "Ишлар"нинг 25 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, "Бажарувчи" "Буюртмачи"га "Ишлар" бажрилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

5.4. Ишлар бажариш кечиктирилган ёки тўлиқ бажарилмаган тақдирда "Бажарувчи" "Буюртмачи"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган "Ишлар" қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва "Ишлар" бажариш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ бажарилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қонланишидан озод этмайди.

5.5. Бажарилган "Ишлар" учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Буюртмачи" "Бажарувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида махсус ҳисобрақамидан пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.6. "Буюртмачи" томонидан тегишли контрактация шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун "Буюртмачи"ни жавобгарликка тортишда шунингдек унинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) "Буюртмачи" томонидан контрактация шартномаси бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган "Бажарувчи"нинг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади. "Бажарувчи"нинг айби билан контрактация шартномасининг "Буюртмачи" томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда "Бажарувчи" томонидан қопланади.

5.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

5.8. Назорат органлари томонидан утказилган текшириш давомида бажарилган ишлар ва товар маҳсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда уртадаги фарк «Ишлар» бажарувчи томонидан қопланади.

VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга муружаат қилишга ҳақлидир.

VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

7.1. Мазкур шартнома 2022 йил «14» октябрдан 2022 йил «31» декабргача амалда бўлади.

7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тўғалланган тақдирда тўхтатилали.

VIII. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

8.1 Шартномани тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

8.2 Шартнома тарафлар томонидан имзоланган кундан сунг қонуний кучга киради.

IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

9.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарт билан ҳақиқий ҳисобланади.

9.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

9.4. Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар (қўшимчалар) рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

X. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Бажарувчи»

«Буюртмачи»

«Shunqor Axmedov» хусусий корхонаси		Пайариқ туман санитария эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлими
Манзили: Пайариқ тумани Ойтамғали ҚФЙ		Манзили: Челақ шаҳари. Зиёкор кўчаси 3-уй
тел\факс: 93-839-72-70		тел\факс: 66-672-15-74
х/р: 20208000704597242001		ш\хв 401422860182247074110054001
Қишлоққурилиш АТБ Самарқанд минтақавий филиали		ОКОНХ: 81290
МФО 01037		ИНН: 200760918
ОКОНХ: 71280		Самарқанд вилояти бўйича Газначилик бошқармаси
ИНН: 300365344		Газна х/в 23402000300100001010
		Тошкент ш., Марказий Банкнинг Тошкент ш. ХККМ
		МФО 00014
		Газначилик бошқармаси СТИР и 201122919
Раҳбар: Б. Қўлимов		Раҳбар: М. Бурхонов
		М.У.



Hujjat **elektron raqamli imzo** orqali imzolangan.
Elektron raqamli imzoning haqiqiyiligini tekshirish uchun **QR Code** ni skanerlang.



Imzolovchi F.I.SH.	MA'RUF BURXONOV ABDUSALOMOVICH
Imzolangan sana	14.10.2022 09:33
Hujjat kodi	OJ8302083678
Hulosa kodi	CN3223657000



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN
HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

CN3223657000

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **Shartnoma 11.10.2022**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: "SAMARQAND VILOYAT SANITARIYA-EPIDEMIOLOGIK OSOYISHTALIK VA JAMOAT SALOMATLIGI BOSHQARMASI PAYARIQ TUMAN BO'LIMI tomonidan 13.10.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Payariq tuman
yuridik markazi
bosh yuristkonsulti:**



I.I.Abduraxmanov

13.10.2022